92

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ОҚДАРЁ ТУМАН
ҲОКИМИ

ХОКИМ
АКДАРЬИНСКОГО РАЙОНА
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# Қарор-постановление

йил «21» июль № 133-Х

Самарканд электр тармокларига Урта Осиё темир йулининг "Самарканд – Навоий" участкасини электрлаштириш максадида юкори кучланишли 110 киловольтли "Чупон ота Сувли" электр тармоги курилишини лойихалаштириш учун 14,50 гектар, шундан доимий фойдаланиш учун 0,21 гектар ер майдони ажратиш хакида."

Узбекистон Республикасининг "Ер тугрисида"ги конунининг 1[illegible]-моддасига ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 29-июндаги 304 ракамли "1995-1996 йилда ва 2000 йилгача булган муддатда Урта Осиё темир йулини электрлаштириш бош дастури хакида"ги карорига асосан хамда вилоят хокимлигининг ер муносабатларини тартибга солиш ва ердан фойдаланишни назорат килиш бошкармасининг 1995 йил 9-мартдаги 01/25 ракамли илтимосномасини куриб чикиб

КАРОР КИЛАМАН :

1. Самарканд электр тармокларига Урта Осиё темир йулининг "Самарканд–Навоий" участкасини электрлаштириш максадида юкори кучланишли 110 киловольтли "Чупон-ота Сувли" электр тармоги курилишини лойихалаштириш учун жами 14,50 гектар, шундан доимий фойдаланиш учун 0,21 гектар /хужаликлар ва ерлар турлари буйича №1 иловага асосан/ ер майдони ажратиш хакидаги Р.Хайроев номли Чупон ота хужалиги уюшмаси мехнат жамоаси йигилишининг 1995 йил 14-июндаги 10 ракамли ва хужалик хисобидаги Самарканд илмий текшириш станцияси мехнаткашлар жамоаси йигилишининг 1995 йил 19-июлдаги 7 ракамли карорлари тасдиклансин ва Давлат захира ерларидан №1 иловага асосан вактинча фойдаланиш учун 0,35 гектар ер майдони ажратилсин.

2. Самарканд электр тармоклари курилишини лойихалаштириш пайтида лойиха хисоби хужжатларига 0,16 гектар сугориб хайдаладиган ерларни, 0,01 гектар токзорни, 0,01 гектар тутларни ва 0,01 гектар яйлов ерларни кишлок хужалиги ишлаб чикаришидан йукотилганлигини

Окдарё, 440-1000 94 й.

ўрнини қоплаш учун жами 82740 сўм миқдорида пул киритсин ва ва хўжаликларга қурилиш пайтида кесиладиган кўп йиллик дарахтларнинг қиймати /баланс нархи/ учун 255360 сўм миқдорида пул тўлашни ҳисобга олсин.

3.Ушбу қарорни тасдиқлашни Самарқанд вилоят ҳокимидан сўралсин.

Оқдарё туман ҳокими Н.Ахмедов